



№ 33/06 - 2

20 июль - 23 - август

**Учтепа туманида ишлаб чиқариш, қурилиш, хизмат, савдо ва транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналарини карантин даврида фаолият юритишини тизимли ташкил этиш масалалари ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги "Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-5969-сонли Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, Учтепа туманида жойлашган, фаолиятини вақтинча тўхтатган ишлаб чиқариш, қурилиш, хизмат, савдо ва транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналарини белгиланган карантин талабларига риоя қилиб ишлашини ташкил этиш мақсадида, Халқ депутатлари туман Кенгаши,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Учтепа туманида жойлашган, фаолиятини вақтинча тўхтатган ишлаб чиқариш, қурилиш, хизмат, савдо ва транспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналар ўрганиб чиқилганлиги ва белгиланган карантин талабларига риоя этган ҳолда ишлаши мумкин бўлган корхоналар рўйхати шакллантирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ишчи гуруҳининг хулосаларига асосан иловага мувофиқ фаолиятини вақтинча тўхтатган корхоналарни Ўзбекистон Республикасининг санитария нормалар, коидалар ва гигиеник нормативлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ишлашига рухсат берилиши тавсия этилсин.

3. Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши котибияти (Б. Ишанходжаев), туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Хужанов):


фаолиятини вақтинча тўхтатган корхоналарга Ўзбекистон Республикасининг санитария нормалар, коидалар ва гигиеник нормативлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ишлашига рухсат бериш юзасидан мазкур қарор билан тасдиқланган корхоналар рўйхати Тошкент шаҳар ҳокимлигига киритилсин.

4. Учтепа туман сектор раҳбарлари, Давлат санитария эпидемиология ва осоийшталик бўлими (А.Хасанов), тегишли бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда:

Учтепа туманида ишлаши мумкин бўлган корхоналарни рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасининг санитария нормалар, қоидалар ва гигиеник нормативлари талабларига қатъий риоя қилинишини назоратга олсинлар.

5. Ушбу қарор ижроси назорати Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари  
туман Кенгаши раиси**



**Ф.Абдуллаев**